



АЁЛЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида жорий йилнинг 28-29 июнь кунлари аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ўз фаолиятини самарали йўлга қўйган тадбиркор аёллар ҳамда эндигина тадбиркорлик фаолиятига кириб келаётган хотин-қизлар ўртасида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида "Жамиятнинг ривожланишида хотин-қизлар тадбиркорлигининг ўрни" шиори остида мамлакатимизда

илк мартаба тадбиркор аёллар бизнес-форуми ўтказилади. Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳисса қўшиш истагида бўлган тадбиркор аёлларни ҳамда эндигина ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган хотин-қизларни ушбу бизнес-форумда иштирок этишга таклиф этамиз.
Мурожаат учун телефонлар: 0 (371) 239-40-42 0 (371) 244-03-80
Тадбиркорлик ривожига фаол иштирок этайлик!

Ошла Ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Жамият

23 (1330)-сон 7 июнь 2017 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ЯРАШТИРИШ КОМИССИЯЛАРИ ИШЛАЯПТИМИ?

ёхуд Қашқадарё вилоятида биргина ўтган йилда 1832 оилавий ажрим қайд этилгани сабаби нимада?



Маҳалла раиси вазифасини вақтинча бажарувчи ҳамда яраштириш комиссияси раҳбари Расул Жумаевга: "Комиссиянинг неча нафар аъзоси бор? Қайси ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади?" дея савол берганимизда у икки ойдан бери ушбу комиссияга етакчилик қилаётганини, аслида "маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбари эканини айтди. Ҳалати. Қандай қилиб кеча посбонлик қилиб юрган одам бугун маҳаллага оқсоқоллик ва яраштириш комиссиясига раҳбарлик қилиши мумкин?

4-бетда

Ушбу сонда:



Фарзандлар тарбиясига ким жавоб беради?

Жиноятчи деган номни эшитсак, дарров хушёр тортамыз. Ундай одамлардан узоқроқ юришга ҳаракат қиламыз. Аммо бу тамға аёл – онанинг пешонасига битилган бўлса-чи? Унинг фарзандлари, турмуш ўртоғи, яқинлари қандай аҳволга тушади?

5-бетда

КИТОБ – ЖАВОНДАГИ



6-бетда

БИЗ БИЛМАГАН ФАРҚ



Қишлоғимиздан оқиб ўтадиган катта сойнинг у тарафида отамнинг аммаси – кекса момом яшайди. Меҳнат таътилим тугаётган кунларда онам: "Момонг ҳам омонат, бориб бир дуосини олиб келгин", деб қолдилар. Юрагим алланечук бўлиб, онам ёпиб берган жиззали патирини олиб, момонимкига отландим.

8-бетда

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, "Оила" илмий амалий маркази ва "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хария фонди томонидан эълон қилинган "Энг намунали оила" республика танловининг маҳалла босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Боёвут туманидаги "Бобоюрт" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлган кўрик-танловда маҳалланинг 33 та кўчасидан 15 оила иштирок этди.

— Ушбу танлов оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда катта аҳамиятга эга, — дейди "Бобоюрт" маҳалла фуқаролар йиғини раиси вази фасини бажарувчи С.Холиқулов. — Фарзандлар тарбиясида миллий қадриятларимизга суяниб, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, инсоний муносабатларни сақлаб келаётган хонадонларимиз жуда кўп. Мазкур танлов орқали фарзандларини одобли, илму-маърифатли, жисмоний ва руҳий уйғунликда камолга етказётган, яхши кўни-кўшничилик, қариндошлар ўртасида оқибатни асраб келаётган намунали оилалар мисолида бу борадаги ишларимиз



тарғиботи янада кучаяди.

"Бобоюрт" маҳалласидан "Энг намунали оила" танлов олинаётганда иштирокчилар оилалар аъзоларининг меҳнат фаолияти, тадбиркорлиги, тежамкорлиги, хонадон ободлиги, томорқадан фойдаланиш маданияти каби жиҳатлар эътиборга олинди. Қизиқарли савол-жавоблар тарзида ўтказилган танловда Хўжамушкент кўчаси 13-уйда яшовчи Қосият Назарова оиласи 1-ўринни, Тутзор кўчаси 7-уйда яшовчи Гулнора Мирзоқулова оиласи 2-ўринни, Шохи-занда кўчаси 11-уйда яшовчи Гулсунои Қамбарова оиласи 3-ўринни эгаллади.

Танловда фаол иштирок этган, бугунги кунда 3 нафар келини билан бир ҳовлида аҳил яшаётган Қамара Ҳамзаева "Меҳрибон қайнона" номинацияси, ҳар бир оила аъзолари иш билан банд, ҳамда тадбиркорлик — тикувчилик билан шуғулланганлиги учун Мевазор кўчаси 12-уй бекаси Юлдуз Акрамова оиласи "Файзли оила", ўқимшли, одобли фарзандлари билан ажралиб турадиган, Обод юрт кўчаси 21-уй бекаси Орзихон Сарманова оиласи "Китобсевар оила" номинацияси бўйича тақдирландилар.

Замира САТТОРҚУЛОВА,
Боёвут тумани хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси

ҲАМ ТАЖРИБА, ҲАМ БЕЛЛАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат марказида "Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис" кўрик-танлови ҳамда етакчи мутахассислар иштирокида ўқув-услубий анжуман бўлиб ўтди.

Ўқув-услубий семинарда Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди, "Оила" илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Республика Маънавият тарғибот маркази вакиллари ҳамда Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар оилаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий ва маданий ҳордиқ чиқарувчи тадбирларни ташкиллаштириш, оилаларда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш масалалари бўйича етакчи мутахассисларнинг билим ва кўникмалари мустаҳкамланди. Бундан ташқари, уларнинг иш юритиш ҳужжатлари ва фаолиятини ташкиллаштириш бўйича амалий тавсиялар бериш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда уларнинг ҳисоботлар тайёрлаш бўйича кўникмалари оширилди.

Адлия вазирлиги ФХДЁ бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Хотин-қизлар кўитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент Ислам университети мутахассислари ўқув-услубий семинарда ўз маърузалари билан иштирок этишди.

"Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис" кўриктанлови давомида етакчи мутахассислар уч шарт бўйича ўзаро беллашишди. Кўриктанлов натижаларига кўра, Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ етакчи мутахассиси Тамара Маманова ғолиб деб топилди, 1-даражали диплом билан тақдирланди. Самарқанд олий ҳарбий автомобил кўмондонлик муҳандислик билим юрти етакчи мутахассиси Юлдузой Ҳамидова иккинчи, Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий қисм етакчи мутахассиси Лиана Сорочина учинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Шунингдек, ҳарбий округ миқёсида 1-ўринни эгаллаган етакчи мутахассисга Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан анъанавий тарзда ташкил этиладиган "Энг намунали Хотин-қизлар кўмитаси бўлганлиги ташкилот" кўриктанловининг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

Адолат НУРУЛЛАЕВА

ЕР КУРРАСИДА ТИНЧЛИК

Республикаимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида "Ер куррасида тинчлик" анъанавий расмлар кўриктанлови ҳафталиги бўлиб ўтди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Бадий Академияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов бу йили "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!", шиори остида икки босқичда ташкил этилди.

Жорий йилнинг апрел-май ойларига ўтказилган биринчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари қатнашишди. Улардан 100дан ортиқ расмлар вилоят босқичларида аниқланди. Шундан, 9 нафар ғолиблар ва 7 нафар турли номинациялар совриндорларининг энг яхши ишлари танловнинг якуний босқичида эълон қилинди. Расмлар таниқли профессионал рассомлардан иборат юқори малакали ҳайъат аъзолари томонидан 3 та ёш тоифаси бўйича: 3 ёшдан - 6 ёшгача, 7 ёшдан - 11 ёшгача, 12 ёшдан - 15 ёшгача баҳоланди.

Мазкур танловда, иштирокчилар ўзларининг ижод намуналари билан юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурларини баён қилишди.

Тадбир доирасида "Байрам" болалар ашула ва рақс гуруҳи ҳамда Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг оркестр жамоалари чиқишлари намойиш этилди.

Ғолиблар ва совриндорларга дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА

"ЁШ КИТОБХОНЛАР" ТАНЛОВИ

Бухорода олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Ёш китобхонлар" кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда вилоятдаги тўрт олий ўқув юртининг 100 дан зиёд талабаси иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобга қизиқишни ошириш, уларда мутолаа маданиятини юксалтириш, китобнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини тарғиб қилиш орқали навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, мустақил ва эркин фикрга эга истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ижодий маҳорат кўригида талабаларнинг миллий адабиётимиз намояндалари асарларини нечоғли теран мушоада этиши, улар юзасидан ўз нуқтаи-назарини баён қила олиши, бадий тафаккур салоҳияти, ижодкорлик қобилияти тақдироти саҳнадаги чиқишлари орқали синовдан ўтди.

"Китоб — тафаккур хазинаси", "Ёш ижодкор талаба", "Асарлардан яралган наволар" йўналишларида Бухоро давлат университетини вакиллари Амира Аминова, Мадина Ваҳובהва, Адҳам Раззоқов, "Энг фаол бадий асарлар тарғиботчиси" йўналишида Бухоро давлат тиббиёт институти талабаси Меҳринисо Темирова, "Асарлардан яралган саҳна асарлари" йўналишида ушбу олий ўқув юртининг "Авиценна" жамоаси ғолиб бўлди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

— Гафур Ғуллом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари улкан сўз санъаткорлари асарларини севиб мутолаа қиламан, — дейди танлов ғолибларидан бири Мадина Ваҳובהва. — Қайси китобларни ва қандай ўқиш борасида устоз адабиётшунослар маслаҳатига амал қиламан. Шейр — жону дилим. Узим ҳам машқ қилиб турман. Инсоннинг тафаккур оламини бойитадиган, уни эзгуликка ундайдиган шеъриятни тушуниш, завқ олиш улкан саодат деб биламан.

Эркин Ёдгоров



МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

...Хар бир ота-она ўз фарзандини соғлом камолга етишини орзу қилади. Ғузур туманидаги Жарарик қишлоғида истикомат қилаётган Дилфуза Алмардонова жигарбанди Диноранинг туғма бўйин қийиқлиги билан вояга етатганидан азият чекарди.

Кўпгина даволаш муассасаларига учрашганидан наф чиқмагач, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилояти Халқ қабулхонасига мурожаат қилиб, фарзанди Динора Тоғаймуродовани даволатишда амалий ёрдам сўради. Вилоят кўп тармоқли тиббий марказига жойлаштирилган қизалоқдаги туғма нуқсон операция ёрдами билан бартараф этилди.

– Фарзандимизнинг соғ-саломат ўсиб-ўлғайишига катта ёрдам берган малакали шифокор Рисолат Расулова ва унинг ҳамкасбларига оиламиз номидан миннатдорлик билдираман, – деб ёзади она

ўз мактубида. – Президентимизнинг вилоятларда фаолият юритаётган Халқ қабулхоналари чин маънода барчамизга мадад бермоқда. Буни ўз ҳаётим мисолида айтялман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоят Халқ қабулхонаси шу йилнинг 25 февралидан фаолият юрита бошлаган бўлса, 12 май ҳолати бўйича 8140 мурожаат келиб тушган. Унинг 28 фоизи қаноатлантирилиб, 67 фоизига тушунтиришлар берилди. 5 фоизига эса қонун талабларига мос келмагани учун рад жавоби йўлланди. Халқ қабулхонаси иш бошлаган дастлабки ойларда кунига 50-100 нафар киши мурожаат қилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич кунига 50-60 нафарни ташкил этмоқда.

Бугунги кунгача давлат органлари ва хўжалик бошқаруви раҳбарларининг жисмоний ва юридик шахсларни сайёр қабул қилиш жадвали асосида вилоят Халқ қабулхонаси томонидан 92 сайёр қабул ўтказилиб, уларда 5085 нафар фуқаро иштирок этди ва ўзларини қизиқтирган саволлари, мурожаатларига аниқ жавоблар олди.

– Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, биргина маҳалла фуқаролар йиғини кесимида ижобий ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммони бир фуқаро бир вақтнинг ўзида вилоят ва республика миқёсидаги бир-неча ташкилот раҳбарларига юбораётганига



ғувоҳ бўлялмиз, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоят Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси Давлат Имомов. – Бу эса ташкилот раҳбарларининг қимматли вақтларини олибгина қолмай, бир мурожаат туфайли ортиқча қоғозбозлик юзуга келмоқда. Фуқаро бир ташкилотга қилган мурожаати жавобини олганидан сўнг, агар жавобдан қаноатланмаса, юқори ташкилотга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ҳуқуқий демократик давлатни тўла шакллантириш учун ҳамюртларимиз энг аввало ўз ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаб олиши лозим бўлади.

Қашқадарё вилоят Халқ қабулхонасига мурожаатлари ижобий ҳал этилган фуқароларнинг дил изҳорлари битилган мактубларга кўз югуртирдик.

Косон туманидаги Нартибаланд маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Санобар Санакулованинг “Ким ошди” савдоси орқали томорқа олиш учун

берган аризаси қаноатлантирилмаган. У тегишли ҳужжатлари билан Халқ қабулхонасига мурожаат қилгач, бу масала ижобий ҳал этилган. Муборак шаҳрида яшовчи Гузалия Раҳматулина, Қарши шаҳар Хонтепа маҳалласида истикомат қилаётган Шахло Қодирова, қосонлик Шоира Полвонова сингари хонадон бекалари ҳам Халқ қабулхонасига миннатдорлик мактублари юборган.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ётади. Шу боис уларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолдирилмайди. Фуқаролар эса маҳалла ва туман миқёсида ҳал этиладиган ишни вилоят ва республика даражасигача олиб чиқмай, энг аввало маҳаллий ҳокимият вакилларига мурожаат қилсалар қимматли вақтлари беҳуда кетмас, кишиларнинг ортиқча оворагарчиликларига ўрин қолмасди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
“Оила ва жамият” мухбири



БИР-БИРИГА КАМАРБАСТА ОДАМЛАР

Уй-ма-уй юриб...

Бектемир туманида жойлашган “Мажнунтол” маҳалласида 6000 га яқин аҳоли яшайди, 1700 оиланинг ўз қувонч ташвиши, орзу-истаклари бор. Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида йил бошидан буён 240 дан зиёд оиланинг муаммолари бартараф этилди. Нотинч оилаларга қириб, суҳбатлар ўтказилиб, 7 та ажримнинг олди олинди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ибодулла Жумаев жуда талабчан, фидойи, қуюнчак, масъулиятли инсон. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Дилдора Мустафоқулова ҳамда хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Азиза Исакова маҳалла ишларида оқсоқолнинг тиргақларидир.

“Мажнунтол” кўчаси, 24-уйда истикомат қилувчи Аломат ая Умарова бу йил 90 ёшни қаршилайди. Меҳнат фахрийси. Умр йўлдоши Абдумажид Умаров фронтда хизмат қилган. 8 йил деганда қайтган. 10 нафар фарзанд – 5 ўғил, 5 қизни тарбиялаб вояга етказишган. Мана энди 40 набаиранинг меҳрибон бувижонинг. Болалар ўзидан тинган. Уйли-жойли, набирали, эварали бўлишган. Онаҳон кенжа ўғли Қодиржон ака билан яшайди.

– Онаҳоним тирик энциклопедия, – дейди у. – Хотираси ҳам яхши. Набираларининг исмини адаштирмайди. Келинларга насиҳат қилганда: “Шукр қилинглар, қирларингизни машина ювиб берса, оқватингиз газда пишса... Бизнинг даврда нариги маҳалладаги қудуқдан сув олиб келиб, уни ўчоқда иситиб, кир ювардик”, дейдилар.

– Онамиз ўмшоққина гапирсалар ҳам, гапларини икки қилмаймиз. Барча муаммоларимизга ўзлари ечим топиб берадилар. Алоҳида яшасак ҳам, ҳалигача бирон жойга борсак, айтиб кетамиз, – дейди иккинчи ўғил, 65 ёшли Икромжон ота.

Ая болаларини, халқини, юртбошимизни дуо қилишдан ҳеч чарчамайди.

– Президентимизнинг боши омон бўлсин. Юзида нури бор, чехрасида кулгуси. Кулишлари бирам

чиройли. Юртимиз, элимиз учун жони соғ бўлсин, – дейди.

Мотуридий 3-берк кўчаси, 5-уйда яшовчи Ҳамида Аганиёзова боқувчисини йўқотган. Икки нафар вояга етмаган фарзанди бор. Маҳалла томонидан моддий ёрдам олиб яшайди. Кўни-қўшни, қариндош-уруғлар ҳам қараб туришмайди. Ўзи оддий ишчи. Шароити ҳаминқадар. Уйи таъмирталб. Шундай бўлса-да, эртанги кунга ишончи мустаҳкам. “Юртимизда, ҳаётимизда яхши ўзгаришлар бўляпти, ҳаракат қилган барака топади”, дейди маъсумгина жилмайиб.

Барҳаёт кўчаси, 24-уйда яшовчи Неъмат Бахриев ва Мавлуда Рустамоваларнинг ўғли Иззат Бахриев банкдан кредит олиб, томорқасида иссиқхона, маҳалла ҳудудида новвойхона ҳамда савдо дўкони ташкил этиб, оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйган. Ҳозирда маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатиб, кўпнинг дуосини оляпти.

Қоziён 2-берк кўчаси, 2-уй соҳиби 52 ёшли Қўлдошали Мўйиддинов яқинда инсультни бошдан кечирибди. Ҳаракатлиниши қийинлашган. Юролмайди. Шу сабабли патронаж ҳамшира ва шифокор ҳамда маҳалла оқсоқоли ёрдамида туман ижтимоий таъминот бўлимидан аравача олиб берилибди. Беморнинг аҳвали секин-аста яхшиланмоқда.

Маҳалла ҳудудида 2 та – 291- ва 293-мактаблар мавжуд. Бектемир Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежида бошқа туманлардан ҳам ёшлар келиб таълим олишмоқда. Ҳудудда ихтисослаштирилган нефть-газ академик лицейи ҳам бор.

Туман марказлашган оилавий поликлиникаси ходимлари маҳалла аҳли хизматига шай. Бемор ва қариалардан мунтазам хабар олиб туришди.



Оҳангарон кўчаси, 190-уйга яқинлашганимизда бирдан димоғимизга гулларнинг нафис ҳиди урилди. Оила боши Мажид Шарипов ҳозиргина узилган гуллардан гуддаста қилиш билан банд. Унинг аёли Феруза Шарипова ҳамда икки фарзанди Мажид акага камарбаста.

– Бизни отамиз меҳнатга ўргатганлар, – дейди Мажид ака. – 5-синф ўқувчилигимдан бери гул ўстириб, сотаман. Уйланиб, бола-чақали бўлиб ҳам шу ҳунаримни ташламадим. Отам: “Болам, ҳалол меҳнат қилсанг, топганинда барака бўлади”, дердилар. Мана, шу меҳнатимиз орқали рўзгор қилаялмиз, болаларимизни ўқитялмиз.

– Маҳаллада қандай тадбир бўлса, Мажиджон гуддасталар билан таъминлайди, – дея суҳбатимизга қўшилди оқсоқол. – Барака топсин!

Кун қайтиш чоғида ушбу файли маҳаллани тарқатарканман, ўтган вақтимдан мамнун бўлдим. Чунки маҳалла идораси ходимлари, маҳалла фаоллари ва аҳоли бир-бирига камарбаста. Ҳамжихатлик бор жойда эса файзу барака бўлади, дейди халқимиз.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири

ЯРАШТИРИШ КОМИССИЯЛАРИ ИШЛАЯПТИМИ?

ёхуд Қашқадарё вилоятида биргина ўтган йилда 1832 оилавий ажрим қайд этилгани сабаби нимада?

Оила – жамиятнинг муҳим таянчи, устун. Бир оиланинг бузилиши жамиятда битта кемтикни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз оилани муқаддас билиб, унга дарз етказмасликка ҳаракат қилишган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, маҳаллаларда яраштириш комиссиялари тузилган бўлиб, айнан улар зиммасига оилавий ажримларнинг олдини олишдек муҳим вазифа юкланган. Хўш, Қашқадарё вилоятидаги 665 маҳалла қошида тузилган яраштириш комиссиялари ўз вазифаларини нечоғлик уddалаяпти?

Аслида нега уddалай олмаяпти, десак тўри бўларди. Чунки бу комиссиянинг фаолиятига амалда деярли дуч келмаймиз. Уларнинг иши ёнгиндан кейин етиб келган ўт учирувчиларнинг ишини эсга солади. Эр-хотин ажрашгандан сўнг ўзларининг ҳисоботида қайд қилиб қўйиш учун ажрим сабабларини нари-бери суриштирган бўлишди, холос.

Мисол учун, Қарши шаҳрида оилавий ажримлар сони доим юқори бўлиб келган. Лекин яраштириш комиссиялари жонланганми? Йўқ. Яқин-ўртада жонланадиганга ҳам ўхшамайди. Ўтган йили шаҳардаги Мустақиллик, Гулшан маҳаллаларида 10, Отчопар, Беглар, Нуристон, Чўлқувар каби маҳаллаларда 9 тадан ажрим қайд этилиши аслида яраштириш комиссияларининг юзи, қилган ишларининг ҳақиқий баҳосидир.

Маълумотларга кўра, ўтган йили вилоятимизда 1832 ажрим қайд этилган. Бу 2015 йилга нисбатан 78 тага кўп. Таҳлилларга назар ташласак, Шаҳрисабз туманида 311, Қарши шаҳрида 269, Китоб туманида 201, Косон туманида 115 оила ажрашишга қарор қилган. Ҳали булар расман қайд этилганми...

– Аксарият оилалар арзимаган маиший сабаблар туфайли ажрашиб кетаяпти, – дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Юлдуз Равшанова. – Яқинда ҳамкор ташкилотлар билан бирга хонадонларни ўрганиб чиқдик. Натжидада 300 дан зиёд ажримнинг олди олинди. Мулоқотлар давомида шу нарсага амин бўлдикки, агар маҳаллалар қошида ташкил этилган яраштириш комиссиялари фаолиятини жонлантириб, уларга маҳалладаги энг намунали оила вакиллари ва фаол аёлларни жалб этсак, арзимаган сабаблар билан бошланган келишмовчиликни қайнона-келиндарга тўри тушутирсак, оилалар бузилишининг олдини олиш мумкин.

– Оилавий келишмовчиликларнинг асосий қисми маиший-иқтисодий муаммолар билан боғлиқ, – дейди Отчопар маҳалла фуқаролар йиғинининг

диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, яраштириш комиссия аъзоси Назоқат Каримова. – Қайнона-келин муносабатлари, айрим эркакларнинг оиласини иқтисодий жиҳатдан таъминлай олмаслиги, хонадон соҳибларининг спиртли ичимликка ружу қўйиши, фарзандлари тарбиясидаги бурч ва масъулиятини унутиб қўйгани каби муаммолар оилалар бузилишига сабаб бўлаяпти.

Шу ўринда бир савол туғилади: шундай экан, хўш, яраштириш комиссияси айна масалалардан келиб чиқиб нима иш қилган? Қандай чора-тадбирлар белгиланган? Ажримларнинг олдини олиш учун бирорта хонадон билан иш олиб борилганми ўзи?

Йўқ. Комиссия аъзолари аввалига баҳона излашдан нарига ўтишмади. Кейин чиндан ҳам эътиборсизлик қилишгани, оилалар билан ишлашмаганини тан олишди. Аммо энди бунинг фойдаси борми?

Маҳалла раиси вазифасини вақтинча бажарувчи ҳамда яраштириш комиссияси раҳбари Расул Жумаевга: “Комиссиянинг неча нафар аъзоси бор? Қайси ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади?” дея савол билан мурожаат қилганимизда, у икки ойдан бери ушбу комиссияга етакчилик қилаётганини, аслида “маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбари эканини айтди. Ҳалати. Қандай қилиб кеча посбонлик қилиб юрган одам бугун маҳаллага оқсоқоллик ва яраштириш комиссиясига раҳбарлик қилиши мумкин?

Маълумки, яраштириш комиссияси низомида “Комиссия ўз вазифаларини амалга оширишда профилактика инспектори, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудуддаги бошланғич ташкилотлари, таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади”, деб белгилаб қўйилган. Бироқ вилоятдаги кўплаб маҳаллалардаги яраштириш комиссиялари аъзолари бу ҳамкорликни умуман билишмайди, билганларида бу амалда кўринган бўларди. Устига-устак уларнинг комиссия аъзоси бўла туриб, ўз низомини ақалли бир ўқиб қўйганига нима дейсиз?!

Тегишли низоми ўқимай, билмай, фаолият йўналишларини аниқламай қандай қилиб оилаларни яраштириш

Бугуннинг гапи

иш олиб борса, бу каби ҳолатларнинг олди олиншига эришилади.

Хўш, буни ким қилади? Бу ишларнинг бошида маҳалла раиси турмаса, ташқаридан биров бориб, қилиб берадими? Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий Низомда маҳаллалар қошидаги иккита, яъни яраштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияларга бежиз йиғин раиси етакчилик қилиши белгилаб қўйилмаган. Негаки, ҳар иккала комиссиянинг иши тўғри ташкил этилса, маҳаллада адолат қарор топиб, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги таъминланади. Бироқ маҳалла раислари ҳали буни тўла тушуниб етмаган, ишнинг бутун кўлами ана шу омилларга боғлиқ эканини унутган кўринади. Аксинча бўлганида, баҳона ўрнига аниқ амалий ишни кўрсатишган, ажримлар сони ҳам анча кам бўларди.



мумкин? Бу тоифадаги одамлар қай йўсинда ёш келин-куёвга йўл-йўриқ кўрсата олади? Ахир, бировга ақл ўргатмоқчи бўлган киши, аввало, ўзи билимли, тажрибали бўлиши, халқнинг кўнглига йўл топа олиши керак-ку.

Тизимда соҳани тушунмаган кишилар фаолият юритаётгани оқибатда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Отчопар маҳалласида яна учта оила бузилди. Ва бу рақам яна ўсиши мумкин. Яраштириш комиссиялари эса жим.

Бундай нохуш ҳолатлар Китоб туманига ҳам хос. Қайнарбулок, Қуйи Оқбўй, Макрида, Бектемир сингари қишлоқларда қирқдан зиёд ажралиш қайд этилгани кўнгилни хира қилади.

– Камчиликларимизнинг асосий сабаби ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганида, – дейди Китоб туманидаги Қуйи Оқбўй қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тўйчи Ҳақимов. – Масалан, маҳалламиздаги ажримларнинг учтасига яраштириш комиссиясининг ҳулосаси берилмаган. Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва ФХДЭ органлари оилавий ажримлар бўйича ариза келиб тушган кундан ўша ҳудуднинг маҳалла фуқаролар йиғинига маълум қилиб, биргаликда


Яқинда вилоят хотин-қизлар кўмитаси адлия бошқармаси билан келишув имзолади. Унга кўра, ФХДЭга оилавий ажрим бўйича келиб тушган ариза биринчи навбатда ҳудуддаги хотин-қизлар кўмитаси ва маҳалла фуқаролар йиғинига юборилиши, хотин-қизлар кўмитаси ва маҳалла қошида ташкил этилган яраштириш комиссияси аризани чуқур ўрганиб, ўз ҳулосасини бериши белгиланди. Шунингдек, ФХДЭ гувоҳномаси бўлмай туриб, никоҳ ўқиган норасмий мулалар билан бирга ҳудуд имомхативи ҳам жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Қизиқ. Шу пайтгача ишламаган ва ўз фаолиятини аниқ белгиланган яраштириш комиссиясининг ажрим хусусида берган ҳулосаси қай тарзда, нимадан иборат бўлади?

Хуллас, бу борада қилинадиган, ўнглаш зарур бўлган ишлар кўп. Чунки ҳар йили минглаб оилаларнинг бузилаётгани жамиятда минглаб кемтикларни юзага келтирмоқда.

Шу боис бу борада бирламчи ўрин тутадиган яраштириш комиссиялари ишини тўғрилаш, бунда ақл билан иш тутиш яхши самара беради.

Шоҳиста БОЗОРОВА,
Қашқадарё вилояти



Жиноятчи деган номни эшитсак, дарров хушёр тортамыз. Ундай одамлардан узокроқ юришга ҳаракат қиламиз. Аммо бу тамға аёл – онанинг пешанасига урилган бўлса-чи? Унинг фарзандлари, турмуш ўртоғи, яқинлари қандай аҳволга тушади? Уни кечириш учун ўзларида куч топа олишармикан? Маҳқумаларнинг жазодан кейинги ҳаёти қандай кечади? Иш билан таъминланиш, соғлиғини тиклашда муаммоларга дуч келмайдими? Ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида мутахассисларга юзландик.

ЭРКАК ОИЛАДАН
ВОЗ КЕЧАДИ

Гулнора РАҲМОНОВА, республика “Оила” илмий-амалий маркази катта илмий ходими, ҳуқуқшунос:

– Статистик маълумотларга қараганда, республикада содир этилаётган жиноятларнинг 11 фоиздан ортиги хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келади. Хотин-қизлар ўртасида айниқса, ўғирлик, товламачилик, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ортиб бормоқда. Масалан, 2015 йилга нисбатан 2016

ОНА ЖИНОЯТЧИ БЎЛСА...

Фарзандлар тарбиясига ким жавоб беради?

НИЯТЛАРИ БОШҚА ЭКАН

Зангиота туманидаги 1-жазони ўташ муассасасида 2007-2017 йилларда жазо муддатини ўтаб, озодликка чиққан Тошкент шаҳрида яшовчи Ф. исмли аёл билан суҳбатда бўлдик... “Ўшанда 40 ёшда эдим. Диний билимларимни ошириш мақсадида укамнинг ёрдами билан бир хонадонга қатнай бошладим. Бошида диний билим олаётгандек эдик... Бироқ уларнинг мақсадлари кейин аён бўлди. Ноқонуний китоблар ўқиш ва тарқатиш каби ишларига бизни ҳам аралаштиришди. Укам иккимиз ҳам жавобгарликка тортилдик. Мана, ўн йил деганда озодликка чиқдим. Укам ҳали ҳам ўтирибди. У ёққа кетаётганимда тўнгич ўғлим 19, кенжатоим 9 ёшда эди. Болаларим оқу-қорани танийдиган, эл ичида юрадиган ёшга етганида катта хатога йўл қўйдим. Улар юзимга айтмасалар-да, мендан хафа эканликларини қарашларидан сезиб тураман.

Онанинг жинояти учун бола ҳўрланар экан. Оилам бағрига қайтдим. Аммо виждон азоби қийнайди. “Хўжайиним ўзингга ўзинг қилдинг, бизни қийнадинг, болаларга жабр бўлди”, дейди. Бу тақдирни ҳеч бир аёлнинг бошига солмасин. У ёқда ўтириб ҳар дақиқа болаларимнинг ҳоли нима кечяпти, деган ўй тинчлик бермади. Ҳар дақиқа озодликнинг, ҳаётнинг қадри сезилди. Кўп нарсани тор ўйлаганимни, хатоларимни тушундим. Ўйламай босган қадамим сабаб, соғлиғимни йўқотдим...”

ҚУДАЛАР ИККИЛАНИБ ҚОЛИШАДИ

Дилором ИСХОҚОВА, Шайхонтохур тумани, “Обназир” маҳалла маслаҳатчиси:

– 2017 йилнинг бошида З.Қосимова (исм-шарифи ўзгартирилди) 10 йил деганда оиласи бағрига қайтди. Бу аёл диний экстримизм оқимига аралашуви натижасида жазога тортилган. Тўрт нафар фарзанди, турмуш ўртоғи бор. Биз оиласидан доимо хабар олиб турдик. Фарзандлари тарбияли, меҳнаткаш болалар бўлиб улғайишди. Ўғиллари устачилик, қизлари тикувчилик билан шуғулланади. З.Қосимова эсон-омон уйига қайтганидан сўнг маҳалла отинойиси Ораста Агзамова, котиба Маъмура Рашидова билан биргаликда ҳол-аҳвол сўраш учун уйига бордик. Аёлни ўзимиз туман поликлиникасига олиб бориб, тиббий кўриқдан ўтишини назорат қилдик. Қон босими оқори, тишлари тўкилиб кетган. Поликлиника бепул даволанши учун йўллана берди. Жазони ўташ муассасасида тикувчилик билан шуғулланган экан. Ҳозир уйда шу хўнар ортдан рўзгорига ёрдам бераётти.

Яна бир аёл А.Фулмовага (исм-шарифи ўзгартирилди) олти йил муддат берилган эди. Аёл ўз хатосидан қаттиқ афсусда эканини айтиб, халқимиз ва Президентимиздан кечириш сўрагани боис жазо муддати енгиллатилиб, 3 йилу 3 ойда 2012 йил амнистия қарори билан озодликка чиқди.

Беш нафар фарзанди бор. Жазони ўташга кетаётганида энг кичик фарзанди 3 ёшда эди. Болалари катта бўлиб қолишди. Узининг саломатлиги яхши эмас. Қон босими ошиб туради, кўрши қобилияти пасайганлиги сабабли уйда ўтиради. Яқинда қизини узатди, сўнг келин олди. Қиз томондагилар онанинг тақдирини эшитиб, суриштириб келишди. Биз адашиб, шу йўлга кириб қолганини, фарзандлари яхши тарбия кўрганини айтиб, тўй бўлишига ҳисса қўшдик.



ХЎЖАКЎРСИНГА ЭЪЛОН БЕРИШАДИ

Икром ҲАМДАМОВ, Чилонзор тумани Бандликка кўмаклашиш маркази инспектори:

– 2016-2017 йил ҳолати бўйича бизга жазо муддатини ўтаб қайтган уч нафар аёл мурожаат қилган. Биз уларга мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот бердик. Улардан бири Ё.Ақбарова (исм-шарифи ўзгартирилди) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши сабаб биз таклиф қилган ишни рад этди. Р.Аҳмаджонова ҳам ўзи мустақил иш топишини билдирди. 50 ёшли Ч.Наимованинг соғлиғида муаммо борлиги сабабли даволанганидан сўнг ишлаш фикрини билдирди. Иш излаган аёлларнинг аксариятини ташкилотлар томонидан бериладиган 500-600 минг сўм маош қаноатлантирмайди. Кўпинча улар мустақил равишда иш топишларини айтишади.

Бир кунда бизга энг камда 50 нафар одам иш сўраб мурожаат қилади. Бўш иш ўринлари борлиги ҳақида маълумот берган ташкилотларга ишлаш истагидаги одамларни юборсак, бўш ўрин қолмади, ишчи олиб қўйдиқ, дейишади. Айрим ташкилот ва корхоналар бизга шунчаки хўжакўрсинга, эълон беришади. Шу сабаб баъзида одамлар биздан норози бўлиб кетишади.

МОДДИЙ ЁРДАН КЎРСАТИЛДИ

Нозима ҲАСАНОВА, Юнусобод тумани хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси:

2016 йилда жами 12 нафар аёл жазони ижро этиш муассасасидан чиқарилган. 7 нафар маҳқуманинг муддати тугаб, 5 таси муддатидан олдин оиласи бағрига қайтган. 2017 йил 5 ой ичида 5 нафар аёл озодликка чиқарилган. Улардан биттаси муддати тугаб, тўрт нафари амнистия акти қўлланганлиги сабабли муддатидан олдин озод этилган. Уларнинг барчаси туман кўп тармоқли поликлиникаси томонидан тиббий кўриқдан ўтказилган. Туман ҳокимияти томонидан 2016 йилда ушбу аёлларга 9.211170 (тўққиз миллион икки юзу ўн бир минг бир юзу етмиш сўм) миқдорда моддий ёрдам кўрсатилган. 2017 йилда 4.268586 (тўрт миллион икки юзу олти миш саккиз минг беш юзу саксон олти минг) сўм миқдорда пул маблағлари берилган. Ўтган йил ҳолатига кўра, 3 нафар аёл, бу йил эса 2 таси иш билан таъминланган.

ИШОНЧ УЙЎТИШГА ИНТИЛАЙЛИК

Одина ОТАЖОНОВА, психология фанлари номзоди, доцент:

– Маҳқумалар орасида муассасадан қайтган, бутунлай ўзгариб, ҳаётда ўз ўрнини топишга интиладиганлари кўп. Аммо сочлари оқариб, қадди эгилиб, тушкунликка тушиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолганлари ҳам бор. Атрофдаги одамларга ҳадик кўзи билан қарайди. Баъзилари бефарқ, эътиборсиз бўлиб қолишади. Ўзларини одамлардан четга олишади. Айримлари содир этган жиноятида бошқаларни айбдор билиб, аламлида бўлиб қолади. Яна бошқа тоифадагилар эса ўзларининг ҳақ эканини исботлашга уринадилар.

Тўғри, баъзилари билиб, кўриб айримлар эса тушуниб-тушунмай хато қилишган. Айбларини юзига солмай, бу ҳам тақдирнинг синови эканини тушунтиришимиз, ҳаётга нисбатан умид, ишонч ўйотиб, ўтмишини унуттишга ёрдам беришимиз керак.

Нигора РАҲМОНОВА тайёрлади

АЁЛНИ ҲУРМАТ ҚИЛГАН

ОНА КЎНГЛИ

...Телефон кўнгиригидан ҳаёлим бўлинди. Аям. Юрагим шув этиб кетди. Икки соатча аввал ҳам кўнгироқ қилган эди. Атай гўшакни кўтармагандим. Бу гал ҳам телефонни қизимга тутқаздим:

– Гаплаш, онажон. Мени сўрасалар... ваннада дерсан...

Қизим уни ёлгон гапиришга ундаётганимдан озорланиб, телефонни олиб чиқиб кетди. Бир муддат гаплашгач, секин ёнимга келди.

– Дада, қачонгача бекиниб юрасиз. Бугун учинчи марта кўнгироқ қиляптилар. Гаплашинг, жон дада. Алдашдан чарчадим. Ҳозир яна кўнгироқ қиладилар. Томоғингизни чайдингизми? Дорингизни олиб келиб берайми? Яна бир марта чайинг, балки сезмас...

Телефон жиринглади.

– Ая, асасолому алайкум...

Гўшакнинг у томонидан аввал енгил хўрсиниқ, сўнг йиғи овози эшитилди. Негадир ўпкам тўла бошлади. Шу топда онамнинг бағрига бош қўйгим, ажин босган қўлларини кўзларимга суртгим, худди гўдақликда, оғриб қолган пайтларимдаги каби хиққиллаб, эркалангим, қизим тутиб турган дорини ичмайман, деб хархаша қилгим келарди негадир...

– Ая, яхшиман. Бир оз шамоллабман. Томоғимни биласиз-ку, салга оғриб қолади. Ая...

Онам ҳамон бир сўз демас, унсиз йиғларди.

– Сиздан ўргандим-да мен ҳам. Мазангиз бўлмаган пайтда кўнгироқларимга жавоб бермайсиз-ку, – дедим вазиятни юмшатиш илинжида гапни ҳазилга буриб. – Гоҳ келинингиз, гоҳ невараларингиз алдайди, онам у ёққа кетган, онам бу ёққа кетган, деб.

Йиғи аралаш кулгу овозини эшитиб, кўнглим ёришди.

– Сен бола онанинг кўнгли нима эканини биласаними ўзи? Сезмайди деб ўйлаганимдинг. Неча марта айтганман мени алдай олмайсан деб. Бармоғингга битта тикан кирса, юрагим зириллайди...

Икки юз-уч юз қақирим нарида туриб ҳам фарзандининг аҳволи-рухиятини билиб туради оналар. Бу



не синоат? Изоҳ йўқ. Жавоб битта: онанинг кўнгли.

АЁЛЛИК РУТБАСИ

“...Жуда чарчади аёл. Кучли бўлишдан чарчади. Ҳар тун ҳаммасини унутшдан ва тонгда, кўз очиси билан, яна қайта ҳаммасини эслашдан чарчади. Нажот қаерда?...”

Телеграмм ижтимоий тармоғидаги саҳифалардан бирида ушбу битикка кўзим тушди-ю, ўйда қолдим. Тўғри, интернетда бу каби изтиробу изҳорлар кўп. Бироқ мени кучли бўлишдан чарчаган аёлнинг руҳияти қизиқтириб қолган эди. Ким у аёл? Нега нажот тилаяпти? Нимадан бунчалик чарчади?

Аёлни улуғламаган шоир, уни мадҳ этмаган ҳофиз, ранглр оламидан унга муносиб ранг изламаган мусаввир йўқ. Аёлни таърифлашга янги сўз, янги ташбеҳ қолмагандек гўё. Аммо ҳар қандай ҳолатда “Кучли аёл”, деган истилоҳни эҳтиёткорлик билан ишлатамиз. “Аёлнинг тоқати олдида тоғлар тиз чўқади, сабри синовлар исканжасига дош беради, бардоши асрлардек бардавом, иродаси метиндек мустаҳкам”, деймиз бироқ “Кучли аёл”, дейишга ийманамиз бироз. Гўё

биргина шу сўз билан ҳаётнинг бутун оғирлигини унинг зиммасига ортиб, ўзимизни юқдан олиб қочаётгандек ҳамиятимиз оғрийди.

Жамиятда ўз ўрнига, нуфузига эга бирор аёл ҳақида сўз кетса, баъзан “Ҳақиқий аёл”, деган сифат қўлланилади. Ким у ҳақиқий аёл? Қайси фазилатлари учун унга бундай нисбат берилади? “Аёл бўлиш бахт, керак бўлса, имтиёз эканига қатъий ишонадиган, ўз “Мен”ига эга, аёллик моҳиятини қисматнинг инъоми деб биладиган, ҳаётдан нолимайдиган, тўсиқларни куч билан эмас, ақл-фаросат билан енгиб ўтадиган аёл ҳақиқий аёлдир”, дейди мағриблик до-нишмандлардан бири. Эҳтимол, у юз карра ҳақдир. Бироқ бизнинг бу борада ўз қарашларимиз, мезонларимиз бор. Биз учун аёл деган сўзнинг ўзи етарли. Аёл – Яратганнинг мўъжизаси. Аёллик – улуг мақом, мартаба, таъбир жоиз бўлса, рутба.

“Юзлари офтобда қорайиб кетган, қўллари меҳнатда қадок бўлган бу аёлларнинг қалби, юраги шунчалар гўзал, шунчалар беғубор эканини кўриб, дунёда ҳақиқатан ҳам ўзбек аёлига тенг келадиган аёл йўқ, деган

фирқа яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қилганман”, деб ёзган эди Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажга йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китобида.

Давлатимизнинг биринчи раҳбари истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини, мақеини мустаҳкамлашга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилди. Зеро, жамиятнинг ижтимоий қиёфаси оилалардаги маънавий муҳит билан, оилалар файзу-фароғати эса аёл билан чамбарчас боғлиқ.

Ислом Каримовдан бизга жуда муҳим ҳақиқат мерос қолди – “Биз ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур – аёлни эъзозлаган эркак бахтли бўлади, аёлни ҳурмат қилган миллат кам бўлмайди”.

Миллатимиз бахти, камолоти йўлида янги ислохотлар даврини – халқ қалбига кириб бориш, одамлар билан мулоқот қилиш, уларни қийнаётган, ўйлангиратган муаммоларни ҳал қилишга барча тузилмалар раҳбарларини сафарбар этишни бошлаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдириш, аёлларнинг уларга муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш, аёллар учун доимий иш жойлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Аёлларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, уларга лутфу марҳамат кўрсатиш аждодларимиздан мерос фазилат. Мамлакатимиз тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни, хизмати бекиёс. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар бир йиғинда хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Барчани уларни эъзозлашга, хотин-қизларимизни қийнаётган муаммоларни ҳал этишга, тиббиёт тизимини янада такомиллаштириш орқали оналик ва болаликни мустаҳкам ҳимоялашга, аёл-қизларимиз учун муносиб меҳнат шaroитларини, муқим иш ўринларини яратишга ҳаракат қилмоқда. Мамлакатимизда кечаётган шиддатли

КИТОБ – ЖАВОНДАГИ

“БЕЗАК” МИ?

Танишларимдан бири туғилган кунини нишонлади. Кенг, шинам меҳмонхона. Дастурхон тўкин. Меҳмонхонадаги қимматбаҳо, ойнаванд мебель жамланмасига файз киритиб турган китоблар жавони эътиборимни тортди.

Жавонда зарҳал муқовали, қимматбаҳо китоблар дид билан териб қўйилган. Улар орасида ўзбек ва дунё адабиёти классикларининг энг нодир асарлари борлигини кўриб, уй соҳибининг китобга меҳри баланд экан, деган хулосага келдим. Аммо?!.. Мезбон фикримни бир зумда ўзгартириб юборди.



Сиз нима дейсиз?

...Китоб жавонимиз йўқ эди. Аммо чўпқари уйимизнинг тўридаги тоқчада териб қўйилган 40-50 китоб ҳозир ҳам кўз ўнгимда. Менга сирли бўлиб туюладиган бу китоблар оилавий йиғинларда пастга тушарди. Айтишларича, уйда китоб сақлашнинг ҳам хосияти бор экан. Фақат уни вақти-вақти билан ўқиб туриш керак. Шунда китобдаги ҳикमतдан уйга яхшилиқ ёғиларкан.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

– Биласизми, – деди у, – Тошкент, Москва ёки бошқа шаҳарларда сафарларда бўлганимда энг зўр ёзувчи ва шоирларнинг ноёб китобларини сотиб олганман. Бироқ иш, ташвишлар билан бўлиб, ўқишга... очиги вақт бўлмаган. Лекин, улар уйни қандай безаб турибди. Вақти келиб, неварачеваралар варақлайди-да бу китобларни...

Ҳа, китоб йиғиб, ўзини гоят ўқимишли, маданиятли кўрсатаётганлар ҳам йўқ эмас.

Шуларни ўйлаб, негадир болалигим ёдимга келади.

ЭЪЛОН

Жаманов Сирожидин Фозилович номига Самарқанд Қишлоқ ҳўжалиги институти томонидан 2002 йил 11 июнда берилган В № 066463 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Дадабоева Салима Шакировна номига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан 2014 йил 21 мартда берилган АА 4782399 рақамли паспорт йўқолганлиги маълум қилинади.

МИЛЛАТ КАМ БЎЛМАЙДИ

ислохотлар замирида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсади ҳам мужассамлиги барчамизга бирдек қувонтиради.

Дарҳақиқат, бугун аёлларимиз жамият ҳаётининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда. Олима, шоира, тадбиркор, ҳунарманд аёлларимиз кўп. Ўзининг хусусий бизнесини йўлга қўйиб, юзлаб қиз-жувонларимизга касб ўргатаётган опа-сингилларимиз қанча. Илм-фан, санъат, спорт соҳасида Ўзбекистонимиз донгини дунёга таратаётган хотин-қизларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

ҚИЗ БОЛА МУНГЛИГ БЎЛАДИ

Катта онам қазо қилганига беш йилдан ошди. Бироқ болалигим ўтган ҳовлига борсам, ҳар бурчақдан томоқ кириб онам чиқиб келаётгандек бўлаверади. Тугунини қўлга оларди-ю, ўзи айтганидек, тайпанглаб йўлга отланиб қоларди. "Она, кеч бўлганда қаерга борасиз энди?" десак: "Фароғат аммангни кўриб келай, негадир бугун ишдан қайтаётиб, кириб ўтмади. Тинчмикан ишқилиб", дея ҳай-

раҳматли.

Халқимиз азалдан қиз болага бошқача меҳр билан қарайди. Омонатга хиёнат биз учун энг оғир гуноҳ саналади. Қиз болани жажжи қизапқлигиданоқ ўзганинг хасми, омонати сифатида тарбиялаймиз. Шунинг учун ҳам момоларимиз "Қизингни эсон-омон ўз эгасига топшир", деб дуо қилишади қизли хонадонларга киришганида. Ўзбек оиласида фарзанд, айниқса, қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай тарбиянинг асоси – ҳаё. Қиз бола ҳаёли, ифратли бўлиши шарт. Ҳаё – аёлликнинг олий белгиси. "Ҳаё – имондандир", дейди улуғларимиз. Имонли аёлдан имонли фарзанд туғилади. Абу Али ибн Синонинг вилодиси Ситорабонуни, Баҳоуддин Нақшбандни тарбиялаб воёга етказган Валий Орифахонни ёхуд Алишер Навоийнинг онасини эслайлик. Тарихдан яхши маълум, уларнинг барчаси имон-этиқоди бутун, илмли, ниҳоятда закий аёллар бўлишган. Кўҳна манбаларда бола онанинг қорнидаёқ тарбияланиши ривоят қилинади. Замонавий илм-фан

мат қилиши лозимлигини, бунинг учун мазкур марказларни малакали мутахассислар, замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш кераклигини таъкидламоқда.

Момоларимиз, оналаримиз қизларимизни жисмига, соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган нарсалардан асраб-авайлаганлар. Оталар ҳам қизларини оғир ишларга буюрмаган. Эраклар фарзандим комил туғилсин, деб ҳомиладор пайтида аёлининг кўнглига қараган. Абдулла Қаҳҳорнинг "Анор" ҳикоясини эсланг. Бугун ҳам ана шу анъаналар давом этмоқда. Бироқ ахборот технологиялари ёшларимиз онгу шуурини бутунлай ишғол қилиб олаётган бир пайтда қизларимизнинг маънавий тарбиясига янада жиддийроқ эътибор қаратишимиз лозим.

"Қизларимиз китоб ўқиса, маънавий дунёси бой бўлса, ҳеч қачон нопок йўللарда юрмайди. Афсуски, баъзи бир хонадонларга кирсангиз ҳамма нарса бадастир, энг замонавий куйайликлар яратилган, лекин китоб йўқ. Қўш қаватли уйини хорижий қимматбаҳо мебеллари билан жиҳозласа ҳам, энг сўнги русумли машинада юрса ҳам, фарзандларини шоҳона кийинтириб қўйса ҳам хонадонда қимкина кутубхона бўлмаса, бу барибир маданиятли оила ҳисобланмайди" деган эди Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар Қори Турсунов бир сўхбатда.

АЁЛСИЗ УЙ – УЙ ЭМАС

Самарқандлик устозимиз, таниқли журналист Фармон Тошев биздан тез-тез ҳол-аҳвол сўраб, ижодимиз билан қизиқиб туради. Баъзан, ҳеч нарса ёзмайсизлар, нега матбуотда кўринмай қолдиларинг, деб дашном беради. Устознинг ўта эътиборлиги-ю, ўзимизнинг бир оз лоқайдлигимиздан хижолат ҳам бўлаемиз яна. Бу гал ҳам суҳбатимиз ижод хусусида кечди.

Устоз аёллар мавзусида мақола ёзмоқчи эканимни эшитгач, оиладаги барча аёллар – қайнона, икки келин уйдан кетиб, ёлғиз қолган эракларнинг бошига тушган турли кўргиликлар ҳақидаги миллий фильмларимиздан бирини эслатди (афсуски кўрмаган

эканман).

– Аёлсиз уй уй эмас – гурбатхона, худди шунингдек, аёлсиз жамият ҳам жамият бўлмайди, – деди устоз. – Биз газетамизда "Уй бекаси бекорчи-ми?" сарлавҳали мақола берган эдик бир пайтлар. Аёл эрталабдан кечгача тиним билмайди, айниқса, қишлоқ аёли. Хўроз қичқирмасидан туриб сигир соғайди, ҳовли супуради, фарзандлари учун нонушта тайёрлайди, уларни болам-бутам қилиб уйғотиб, овқатлантиради. Катталарини мактабга жўнатади. Турмуш ўртоғини ишга кузатади. Қир ювади, томоргага, мол-ҳолга қарайди. Гимир-гимир билан кунни кеч қилади. Мана – аёлининг бир кунлик ҳаёти. Биз уни яна бекорчи, ишсиз деймиз.

Устознинг гапларига кулоқ солиб, бир воқеа ёдимга тушди. Ўтган йилнинг охирларида мамлакатимизда сафарда бўлган покстонлик журналист Икром Хорунга ҳамроҳлик қилиш менинг чекимга тушди. Уни пойтахтимиздаги мухташам меҳмонхоналардан бирига жойлаштирдик. Ҳамма шароит муҳайё. Меҳмонхона харажатларига кўплаб хизматлар киритилган экан, фақат кир ювиш ва дазмол босишдан ташқари. "Хотинимни ҳам олиб келсам бўларкан, бу ишлар анча қиммат тураркан меҳмонхонада", деган эди Икром Хорун жаноблари ҳазиллашиб.

Мақолани кўпчиликка таниш бир ривоят билан яқунламоқчиман. Зора, хулоса ўрнида ўтса:

Кун бўйи рўзгор ташвишлари билан тиним билмаган аёл кеч тушгач, оиласидаги эраклар дастурхонига бир боғ пичан келтириб қўйибди. Турмуш ўртоғи, ўғиллари уни ақлдан озиб қолдимикан, деб ҳайрон бўлишибди. Шунда аёл: "Мен сизларнинг бунга эътибор қаратишингизни қаердан билибман? Шу уйни – уй, рўзгорни – рўзгор қиламан деб жоним ҳалак. Бир нафас тиним билмайман, кир юваман, дазмол босаман, ҳовли супираман, уй тозалайман, сизлар учун овқат тайёрлайман. Лекин, шунча вақт давомида пичан эмас, таом еганингизни менга бирор марта бирор сўз билан аңлатмаганизлар-ку!" дебди.

Воҳид ЛУҚМОН



ҳайлашимизга қарамасдан йўлга чиқиб кетарди. "Мен борманми, йўқманми опа-сингилларингнинг ҳолидан хабар олиб туришлар. Қиз бола мунглиг бўлади. Икита нон кўтариб кириб борсаларинг уйимга акам келибди, деб қанчалар қувониб қолади", дерди

ҳам буни тасдиқлайди. Соғлом авлод ҳақида сўз кетар экан, Президентимиз барча вилоятларда фаолият юритаётган скрининг ва перинатал марказлар миллат генофондини яхшилашга, соғлом ва баркамол авлодни дунёга келтиришдек улуғвор мақсадга хиз-

Ҳаёт манзаралари

тилгудек бўлиб бақириб, маршрут эшигини қарсиллатиб ёпиб, тушиб кетган бу йўловчининг заҳаролуд сиймоси ҳамманинг кўз ўнгида қотиб қолди.

Яна бир кун маршрут такси чорраҳада тўхтаб, беш-ўн дақиқа туриб қолдик. Ҳайдовчи хижолат. Йўловчилар бетоқат. Шу маҳал йўл четида турган ишчилардан бири келиб: "Ака, итариб юборайликми?" деди-ю, ҳайдовчининг юзига қон югурди. Беш-олти нафар йигитлар улловни итариб, ўт олдиришди. Аёлларни-ку, тушуниш мумкин, аммо салон ичида ўтирган эракларнинг бирортаси ёрдам бериш учун ўрнидан кўзғолмади.

Халқимиз кимдир тузади, кимдир бузади, деб бежиз айтмаган экан. Кимнингдир кўнглихиралагини бошқа бировнинг ширинсуханлиғи ювиб кетади.

Нигора АЛИШЕР қизи

"Касбимни яхши кўрардим. Ахир ўқитувчи бўлишни ёшлигимдан ахир қилганман. Ўн йил болаларга мусиқа фанидан сабоқ бердим. Бироқ яқинда..."

Ўқитувчиларни гоҳ чоқиққа, гоҳ йўл четларини тозалашга, баъзида коммунал тўловлар бўйича қарздорларни оғоҳлантиргани, баъзан уйма-уй юриб, оилаларнинг ижтимоий-маънавий аҳволини ўргангани жалб қилиб туришадди. Очиғи, бунақа ишларга кўникиб кетганмиз.

Туманимиздан ўтадиган катта асфальт йўлнинг ёқасини тозалашга чикдик. Бизга бириктирилган худуд маҳалламиздан анча олисда эди. Режалаштирган ишларим кўп бўлгани боси оҳак тўла челақни олдимиз бошқаларга қарамай, вақтлороқ йўлга тушдим. Ишни эртароқ битириб, эртароқ қайтаман, деб ўйладим.

Йўл четидаги тўсиқларни оҳақлаётган пайтим бир киши ёнимдан ўта туриб: "Ҳорманг, муаллим!", деди. Хурсанд бўлдим. Мен билмасам ҳам мени танир экан, деб кўнглим кўтарилди. Иккинчи йўловчи ҳам: "Домла, ҳорманг!" деб ўтиб кетди. Бу томонларга онда-сонда йўлим тушмаса, кўпам келавермайман. Шу орада яна икки-уч киши

Куласизми, куясизми?

"ҲОРМАНГ, МУАЛЛИМ!"

Бир воқеа сабаб сеvimли касбидан воз кечган сабоқ муаллимнинг ҳикояси

"Ҳорманг, муаллим!" деб ўтгач, очиги ҳайрон бўлдим. Нима, пешанамга "Бу ўқитувчи" деб ёзиб қўйганми? Узоқдан шерикларим ҳам кўринди. Бирининг қўлида белкурак, бошқасининг қўлида супурги. Уларнинг йўлига қараб тургандим, "Ҳорманг, муаллим! Чарчамаяпсизми?", деди бир киши ёнимда тўхтаб. Салом-алик қилгач, "Нега мени, ўқитувчи деб уйлаяпсиз? Ё танийсизми?" дедим қизиқсиниб.

"Йўқ, сизни танимаيمان. Бунақанги ишларни мактаб муаллимларига қилдиришади-да одатда, шунга сизиянми ўқитувчи бўлсангиз керак деб уйлабман. Муаллиммасизми?" деди хижолат бўлиб.

"Йўқ!" дедим қилиб. Лекин бу кулгу қанчалар азобли эканини қилаётган ишдан, касбидан, ўзидан уялган одамгина билади..."

Ҳ.МУСУРМОНОВА ёзиб олди.

Ишдан қайтаётиб, маршрут таксига ўтирдим. Ёнимдаги 30 ёшлардаги жувон овозини баралла қўйиб телефонда гаплашиб кетарди.

Гоҳ хоҳолаб кулиб, гоҳ асабийлашиб, овсинлари, кўни-қўшнилари, ҳамкасблари, қайнота-қайнонаси

КИМДИР ТУЗАДИ, КИМДИР БУЗАДИ

билан келишмовчиликларидан сўзлаётган бу аёлнинг овози йўловчиларга ёқмас, айримлар хўмрайиб қараб қўйишарди. Бир отахон ўзига-ўзи гапиргандек: "Ҳозирги аёлларга бир нарса десанг балага қолсан", деган эди, жувон гап қайтармади-ю, аммо ундан баттарини қилди: Телефоннинг овозини баландлатиб, янада қаттиқроқ гаплаша бошлади..."

Тушишга чоғланганида ҳайдовчи эшитмай қолдим, у айтган бекатдан 3-4 метр ўтиб кетди: "Тўхтайтиб қўйинг, дедим!!!", дея томоғи йир-

БОЛАЛАР - ФАРИШТАЛАР

САБОҚ

Бу йил ёзги таътилни қишлоқда ўтказишимга тўғри келди. Уйимиз ёнидан анҳор оқиб ўтади. Ёз кунлари чўмилиб тўямасдик. Оқизоқ нонлар еб завқланардик. Болалигимизда жуда катта кўринган анҳор назаримда, бугун анча кичрайиб қолгандек эди. Ёки болаликнинг кўзлари катта бўлармикан?



Қуёш аямай тиғ санчар, кун қизигандан қизирди. Укам Илҳом-жоннинг ўғиллари Фирдавсбек ва Чинғизбеклар сувдан чиқмас, анҳорда чўмилиб мазза қилишарди. Тол тагида уларнинг шўх қийқириқларини кузатиб ўтирдим. 6-7 ёшлардаги 3-4 болакай аввал балиқ тутмоқчи бўлишди. Омадлари келмагач, қармоқларини четга қўйиб, анҳор лабидига қумлоққа чўккалаб, қумдан уйчалар кура бошлашди. Бир зумда бу ўйин болакайлари ўз домига тортиб кетди. Улар бутун дунёни унутиб, офтобнинг иссиқ тафтига ҳам қарамай, ўзларининг болалик ҳаёлларидаги мустақкам қалъаларни, саройларни бунёд этишар эди.

Ҳақиқатан ҳам битай деб қолган бинолар эртақлардаги сехрли шаҳарларни ёдга солар эди. Жажжи меъморларнинг беғубор ҳаракатларига маҳлиё бўлиб турганимда, анҳор суви кўпайиб, қирғоққа тошди ва болакайлари иморатларини ювиб кетди. "Оббо, энди нима бўлади?" дея, кўнглимда хавотир ўрмалади. Аммо бироз хафа бўлган болакайлар мени ҳайрон қолдириб, яна қайтадан ишга киришиб кетишди.

Бу воқеани кузатар эканман, ҳайратда қолдим. Назаримда, рўпарамда "Ҳаёт сабоқлари" дарси бўлаётгандек эди. Бу митти "устозлар" мени бир нарсага – турли тўсиқлар ва зиддиятлар тўла дунёда ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат олдинга интилиб яшашга, курашишга ўргатишар эди.

БИЗ

БИЛМАГАН ФАРҚ

Қишлоғимиздан оқиб ўтадиган катта сойнинг у тарафидан отамнинг аммаси – кекса момом яшайди. Меҳнат таътилим тугаётган кунларда онам: "Момонг ҳам омонат, бориб бир дуосини олиб келгин", деб қолдилар. Юрагим алланечук бўлиб, онам ёпиб берган жиззали патирни олиб, момоннига отландим.

Сойнинг ўртасига занжирли арқон тортиб, қўлбола кўприк солинган. Ҳавода тебраниб турган арқон кўприкка қадам қўйгани иккиланиб турган эдим, ёнимдан ёши ўттизлардаги бир йигит 5-6 яшар қизча билан ўтиб қолди. Ўзимни қўлга олиб, уларнинг ордидан эргашдим.

– Дадажон, бувижонинг каттаими ёки аммажонимми? – деди қизча.

– Ие, қизим, амманг 18 ёшда, бувижонинг 60 ёш бўлса, албатта, бувинг катта-да!

– Унда нега бобом бувимга, сенинг ақлинг қизингникичалик ҳам эмас, ёш болага ўхшайсан, дейди?

– Ҳа, бобонг бувингни эркалаб шундай дейди-да, қизим.

– Нега бобом сизга: "ўғлим, у қўлинг берганини бу қўлинг кўрмасин", деб айтади? Нима, қўлларнинг ҳам қўзи бўладими?

– Одам бировларга яхшилиқ қилиб яшаши керак, қилган яхшилигини ҳеч кимга айтмас, бу ҳақиқий яхшилиқ бўлади. "У қўлинг берганини бу қўлинг билмасин", деб шунга айтади, она қизим.

Уларни кузатар эканман, болаликнинг беғубор оламида дунёни борича кўраётган шу ширингина қизалоқнинг кўзи билан оламга боққим келди. Чунки унда алдовлар, хиёнатлар, разилликлар, худбинликлар бўлмайд.

Ҳаётий ҳикоялар



Унда ҳали ранглар чаплашмаган.

Бир пайт қизча болаларча эркалик билан деди: "Дадажон, ҳозир шамол келиб бирдан бизни учириб юбормасин, келинг, қўлларимдан ушлаб олинг".

– Қизалоғим, сен мени ушлаб келяпсан-ку?

– Йўқ, мен сизни эмас, сиз мени ушлаб олинг.

– Сен ушладинг нима-ю, мен ушладим нима, қизим?

– Шуни ҳам билмайсизми? – деди қизинг кўзлари қуваб. – Агар мен сизни қўлингизни ушласам, қаттиқ шамол келса, қўлларингиздан маҳкам ушлаб қолишга кучим етмай қолади. Кейин мени шамол учириб кетиши мумкин. Аммо сиз мени қўлларимдан ушласангиз, сира-ям қўйиб юбормайсиз, чунки сизнинг кучингиз кўп, тўғрими?

– Тўғри, қизим, тўғри!

Мени қизчанинг ўткир зеҳни ва фикрлари мағзининг тўлиқлиги ҳайратлантирди. Дарҳақиқат биз катталар ҳар доим ҳам ана шу қизалоқ айтган фарқни сезамизми? Ҳаётда ким кимнинг қўлидан тутиб туриши муҳимлигини биламизми?..

ПОКИЗА КЎНГИЛ
ДАЛДАСИ

Синфдошим Отабекнинг ҳикояси

"Биринчи синфда ўқийдиган қизимнинг негандир иштакиси йўқолди. Хотиним унга овқатини едир олмай, менга арз қилди. Ошхонага чиққанимда, эркатой қизим қовоғини уйиб, норози ҳолда ўтирарди. Унинг бу эркалиги оталик меҳримни янада йидириб юборди.

Яхши гапириб, овқат едиришга ҳаракат қилдим. У кўзларида ёш билан ойисидан хафа эканини айтиб, гина қилди ва: "агар овқатимни охиригача есам, айтган шартимни бажарасизми?" деб сўради.

"Бунаж нима қийин томони бор, балки кўнгли бирор ширинликими, ўйинчоқими тусаяндир-да", деган ўйда:

"Ваъда бераман, қизим", дея унинг кўз ёшларини артдим. Бирдан чехраси очилиб, идишидаги овқатини иштаҳа билан охиригача еди-да, олдимига чопиб келиб: "Дадажон, овқатимни еб бўлдим, энди ваъдангизни бажарасизми?" деб сўради.

– Албатта, бажараман, она қизим, – дедим унинг ҳаракатларидан қувониб.

– Сочимни олдириб ташлашни хоҳлайман!

Бошимдан биров худди бир челақ совуқ сув қуйиб юборгандай бўлди. Чунки қизим белига тушадиган кўнғирокдек сочлари билан мақтанишни жуда яхши кўрарди. Бу фикр унинг хаёлига қандай келиб қолди, билмадим. Онасига қарайман. У ҳам ҳайрон...

Қизимдан бу шартни бошқасига алмаштиришни илтимос қилдим. Унга истаган нарчасини олиб беришга ваъда бердим. Лекин фойдаси бўлмади. Оёғини тираб туриб олди.

Унинг ўжарлигидан жиғибойрон бўлган хотиним, юзига ҳатто бир-икки тарсаки ҳам туширди. Қизим бўлса, менга мўлтираб қарар: "Дадажон, ваъда бергандан кейин бажариш керак, деб ўзингиз айтгансиз-ку. Наҳотки катталар ҳам ёлғон гапиришадилар?" дерди. Мен чорасиз қолгандим.

Қизимнинг кўнглини синдиргим келмади. Хотинимнинг қаршиликига қарамай, у билан сартарошхонага йўл олдим. Бир зумда кўнғирок сочлар ер билан битта бўлди. Уйга келганимда ҳам, эртасига эрталаб мактабга кетаётганида ҳам негандир қизимнинг кайфияти аъло эди.

Лекин мен бу кайфият мактабга етиб боргандан кейин болаларнинг "кал-кал" деган мазахларидан сўнг йўқ бўлишидан ва қизимнинг кейинги руҳий изтиробидан хавотирда эдим.

Мактабга етиб борганимизда, қизим машинадан сақраб тушди-да, ҳатто мен билан хайрлашишни ҳам

унутиб, чопиб кета бошлади. Бир пайт орқадан бир болаканинг: "Сарвиноз!" деб чақиргани эшитилди. Қизим ҳам, мен ҳам шу томонга қарадик. Орқадан қизим тенги бир болакай чопиб келарди. Қизим, болакай ҳам кал эди. Ҳайрон бўлиб турганимда ўрта ёшлардаги аёл ёнимга келиб, ўзини таништирди.

Маълум бўлишича, аёл ўша болаканинг онаси экан.

– Биласизми, – деди аёл чопиб кетаётган болаларни кўзида ёш билан кузатаркан, – болам оғир касалга чалинган эди, дори-дармонлар таъсирида унинг сочлари тўкилиб кетди. Қизингиз ўғлимга далда бериб, руҳан қўллаб туради, улар жуда яхши дўст. Кеча ўғлим уйга биринчи марта хурсанд қайтди. Чунки қизингиз: "Мен ҳам сенга ўхшаб сочимни олдириб келаман, иккаламиз бир хил бўламиз", деб ваъда берибди. Тўғриси, мен ўғлимнинг гапига унчалик ишонмаган эдим. Бугун унинг кўзлари биринчи марта қувончдан порлади. Боламни ҳеч қачон бунчалик қувноқ кайфиятда кўрмаган эдим. Ҳаммаси учун Сарвинозга раҳмат. Дунёда сиз каби яхши одамлар борлигига шукр қиламан. Фарзандингизни тушуниб, унинг кўнглига қараганингиз, шу орқали бир ўқис кўнглига малҳам бўлганингиз учун сиздан миннатдорман.

Аёлнинг сўнгги гаплари деярли қўлоғимга кирмади. Чопиб кетаётган қизимнинг ордидан қараб қоларканман, бир ўқис кўнглини кўтариш учун ўзининг энг қадри нарчасидан айрилишга ҳам тайёр бўлган жажкигина фариштам билан фахрланар эдим".

Феруза ОРИПОВА

Oilavajamiat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
"Болалар ва оилаларни қўллаб-
қувватлаш" ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
"Соғлом авлод учун" халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темуր кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 626. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади – 7496. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчилар: Б. Исмоилов
Н. Раҳмонова
С. Сайдалимов
Мусаҳҳих:
Саҳифаловчи:
А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

